



Богдоднинг кулаши

Муаллиф: Мухаммад Султанов

Халифа Ал-Мутасим Биллоҳ Богдоднинг сўнги кунларида

Богдодга йўл

#### 4-кисм

Ўша даврда шахар ва бутун халифаликнинг хукмдори Аббосийларнинг ўттиз еттинчи ва сўнгги халифаси Ал-Мутасим Биллох бўлган. У нафакат бутун ислом оламининг энг кудратли хукмдори, балки мусулмонларнинг рухий ва манавий етакчиси хам эди.“Тарих ал-Хулафа” (муаллиф Жалолидин ас-Суютий) ва “Ал-Бидоя ва ан-нихоя” (муаллиф Ибн Касир) биографик китобларида халифа хукмдорликка лойик ва адолатли деб таърифланган. Хакикатдан хам, халифа яхши инсон эди, аммохеч кайси хукмдор килиши керак бўлмаган хатога йўл кўйган. Халифа давлат бошкарувини кўлдан чикариб, халифаликнинг устидан назоратни йўқотган эди. Бундан келиб чикадики, энг керакли вактда халифа бундай кудратли душманга карши мусулмонларни бирлаштира олмади. Умматларимизни бу фалокатдан саклаб колиш учун халифа томонидан нафакат диний маросимларни бажариш, камбагалларга меҳр кўрсатиш ва хоказо ишларни амалга ошириш, балки давлатни ва куролли кучларни заифлаштирадиганлар билан курашиш хам лозим эди. Афсуски, вакт бой берилганди. Халифа бутун Богдоддан Магрибгача халифаликнинг химояси учун бир тану бир жон бўлиб бош кўтаради ва Богдодни боскинчиларнинг кўлига бериб кўйишмайди деб ўйлаган эди, лекин у адашганди.

#### Богдоднинг сўнгги кунларида давлат бошкарув органлари

Давлат аппарати армия каби жуда заиф ва кучсиз эди. Бошкарув устида турган амалдорлар вазир ёки амирларнинг сояси каби эди. Уларнинг ўз бойлигини, обрўсини ва кудратини оширишдан бошка максадлари бўлмаган. Уларни давлатнинг ривожланиши кизиктирмас, ўзаро мансаб, ер, уй,хаттоки канизак учун хам курашишар эди. Бу бир ишга арзимас инсонлар тегасида ўз юрти ва умматини душманга сотган бош вазир турган. Бу вазир ва амирлар аппарати душман устига эмас, аксинча мусулмон умматининг бошига кўтарилиган килич бўлиб, улар ўз халкига нисбатан шу кадар ёмон йўл тутишган эдики, хатто, энг каттиқўл инсон ўзи кулига бундай килмасди.

#### Богдоднинг сўнгги кунларида халкнинг ахволи

Кўриниб турибдики, ўша даврда халкнинг ахволига хавас килиб бўлмас эди. Аммо

бошқарув табакаси bogdodliklar билан хисоблашмаслигига қарамай, халифа томонидан улоарга жабр-ситамлар етказилмаган. Ўша даврда Богдод ахолиси, кишлокда яшайдиганларни кўшмаганда, 3 миллион кишидан иборат бўлиб, ахоли сони бўйича дунёдаги энг катта шахар хисобланган. Богдод ахолиси халифаликнинг улкан пойтактида мухташам, хар томонлама кулай, тинч ва осоишта хаётга ўрганиб колишган эди. Уларнингхеч кайсисини шахарда юзага келган ахвол ёки унинг атрофидаги хаёт кизиктирмас эди. Ким динга якин юрса, диний билимларни эгаллаш, намозларга бориш, Куръон ўкиш билан чекланиб Аллоҳ Таоло олдидаги бошка бурчларини унутиб кўйишган. Динга якин бўлмаганлар эса, булар кўпчиликни ташкил килар, ўз роҳатлари учун яшашарди: хилма-хил таомлар тановул килар, чиройли либослар кийишар, кўплаб хизматкорлар тутишар, хашаматли саройларда яшаб, гўзал багларда дам олишар эди. Кори ва имли инсонлардан узоклашган Богдод ахли таикиланган мусикаларни тинглар, улардан кўплари хамр истеъмол килар, бироннинг мулкини ўгирлашар, Аллоҳнинг заиф бандаларига жабр етказишар эди. Бундан ташкари, кирк йил давомида улар Афғонистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон, Озарбайжон ва бошка мусулмон ўлкаларида юз берган ходислардан хабари бўлса-да, мусулмонлар мўгуллар томонидан кандай ёмон ахволга солинаётганларини билиб туриб хам, бунга эътибор беришмаган. Богдода буни билишар, аммо хеч кандай мададга отланишмаган эди. Улар кўшнисининг уйи ёнаётганини кўриб, менинг уйимга ўтмайди деб оддий бир ёгоч деворга ишониб ўтирган одам каби эдилар. Яъники, бундай инсонлар, шу каби вазирларга лойик эди, мўгуллар боскини эса улар учун Аллоҳнинг жазосига ўхшарди. Мусулмон ога-иниларига беъэтиборлиги учун жазо вакти тез орада етиб келди. Мўгулларнинг улкан кўшини ва уларга кўшилган мусулмон харбий гурухлари Богдоднинг дарвозаси тагида туришар эди. Ўша кунгача Богдод ўзини локайдлиги билан мўгулларга мусулмонларга карши ёрдам берган бўлиб, энди ўша мусулмонлар мўгулларга ёрдам берар эди. Бу Аллоҳ таоло томонидан мусулмонлар учун бўлган улкан синов бўлиб, бу хакида бир масал хам етиб келган: “Бир куни Хулагонинг кизи Богдодни (кулаганидан сўнг) айланиб юрганида, бир гурух одамларни бир кимса атрофида тўпланиб олганини кўриб колибди. Ўша инсон хакида сўраган экан, бу мусулмон олимни дейишибди. Шунда у олимни олдига олиб келишларини буюрибди. Олим маликанинг олдида келганида, малика:

– Сизлар Аллоҳга ишонасизларми?, – деб сўрабди.

–Ха.

– Сизлар Аллоҳ ўзи хохлаган, истаганига ёрдам беришига ишонасизларми?

– Ха.

– Ахир, Аллоҳ сизларнинг устингларидан галаба козонишимизга ёрдам берди-ку?

– Ха.

– Демак, бу биз Аллоҳ учун сизлардан кўра суюклирок эканмизни билдирадими?

– Йўқ.

– Нимага?

– Сиз чўпон кимлигини биласизми?

– Биламан.

– Пода олдида итлар хам бўладими?

– Бўлади.

– Агар кўйлар чўпонга бўйсунмай кўйса, чўпон нима килади?

– Ўша кўйларга итларини юбориб, яна кайтарибўзига бўйсундиради.

– Ўша итлар качонгача кўйларни кувишади?

– Кўйлар кайтмагунича.

– Демак, сизлар хам Аллохнинг ердаги итлари бўлиб, биз мусулмонлар Аллох йўлига кайтмагунимизча, Унга бўйсунмагунимизча ортимиизда турасизлар, Аллох Буюк ва Кудратлидир.

Барчаси айтилгандек бўлди, тез орада мусулмонлар Аллохнинг йўлига кайтишди ва мўгуллар биринчи бор Айн-Жалут якиnidаги жангда тор-мор этилди.

***Санжар Кобил таржимаси***